# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 17 сентябрь, № 181 (6364) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# ЭНЕРГЕТИКА ВА ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ ҲАМДА МАҲСУЛОТЛАР

пойтахтимизда иш бошлаган “UzEnergyExpo — 2015” ўнинчи ва “UzStroyExpo — 2015” бешинчи халқаро кўргазмаларида кенг намойиш этилмоқда






## ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАР

Мазкур тадбирлар “Ўзбекэнерго”, “Ўзмахсусмонтажқурилиш”, “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамиятлари, “Ўзкоммунхизмат” агентлиги, Савдо-саноат палатаси, ЎзФА Энергетика ва автоматика институти ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмагида “IEG Uzbekistan” кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди.

Маълумки, энергетика иқтисодиётимизнинг жадал суръатлар билан ривожланаётган соҳаларидан бири ҳисобланади. Истиқлол йилларида Ўзбекистон энергия манбалари билан нафақат ўзини ўзи таъминлайдиган, балки экспорт қиладиган давлатга айлангани ана шундан далолатдир. Агар ўтган шу қисқа давр ичида юртимизда электр энергияси истеъмолчиларининг сони 2,5 миллионтага, иқтисодиёт тармоқларининг истеъмоли эса 445,6 миллион кВт/соатга ўсганлигини инобатга оладиган бўлсак, қўлга киритилаётган ютуқлар нечоғлиқ залворли эканлиги янада яққолроқ намоён бўлади.

Халқаро кўргазмаларнинг очилиш маросимида қайд этилганидек, давлатимиз раҳбари томонидан соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, янги объектлар қурилаётгани, мавжудлари реконструкция ва модернизация қилинаётгани муваффақиятларнинг бош омили бўлмоқда. Натижада электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 миллиард кВт/соатга, электр тармоқларининг умумий узунлиги эса 38,2 минг километрга кўпайиб, республикамиз аҳолиси ва саноат тармоқларини электр энергия билан узлуксиз таъминлаш имконини бераяпти.

Айниқса, тармоқда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, қувватларни модернизация қилишга қаратилган лойиҳалар кўлами йил сайин кенгаяётгани эътирофга лойиқ. Масалан, 2015 — 2019 йилларда “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти томонидан умумий қиймати 3,2 млрд. АҚШ долларидан зиёд бўлган 13 та инвестициявий лойиҳа рўёбга чиқарилиши мўлжалланмоқда. Уларнинг изчил ижросида, айтиш мумкинки, анъанавий равишда ўтказиб келинаётган “UzEnergyExpo” халқаро кўргазмаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Унда маҳаллий ва хорижий компаниялар томонидан энергетика соҳаси учун энг замонавий ускуналар, технологиялар ва хизматлар тақдим этилаётган бўлса, бу галги тадбирнинг бирлашган экспозициясидан юртимиз ишлаб чиқарувчиларидан ташқари, Германия, Италия, Хитой, Жанубий Корея сингари давлатларнинг 60 дан ортиқ компаниялари маҳсулотлари ҳам жой олган.

Кўргазмада бир нечта бўлимлар ташкил этилган бўлиб, уларнинг ҳар бири ташриф буюрувчилар билан гавжум. Мисол учун, “Ёритиш технологиялари” бўлимида техник, декоратив ва ландшафт ёритиш тизимлари, саноат объектларини ёритиш қурилмалари, ёруғлик-техникавий лойиҳалаш ва дизайн хизматлари, LED технологиялари, шунингдек, ёритиш ускуналари ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё ва материалларни учратиш мумкин. “Кабеллар. Симлар. Арматура” бўлимида эса 10 кВдан 35 кВ кучланишга мўлжалланган кабеллар, электр узатиш ҳаво линиялари, изоляцияланган симлар, оптик толали кабеллар бевосита ишлаб чиқарувчилар томонидан таклиф этилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

**Парламентдаги мухбирларимиз хабар қилади**

# Самарали ахборот алмашиш механизми

### парламент фаолиятида катта аҳамиятга эга

Президентимизнинг жорий йил 23 январдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида қабул қилинаётган қонунлар одамлар ҳаётига, сиёсий, иқтисодий тараққиётга қандай таъсир кўрсатаётгани ҳақида жойлардан келиб турадиган, парламентга ўз фаолиятини янада такомиллаштириш имконини берадиган ахборот алмашиш механизмини самарали йўлга қўйиш муҳим вазифалардан бири эканлиги қайд этилган эди.

Бинобарин, бу қонун ижодкорлиги соҳасида фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирок этишини таъминлаш, бу борадаги ишларнинг очиқлигига эришиш, жамоатчиликни парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятидан ҳар томонлама хабардор қилиб боришда долзарб аҳамият касб этади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида парламент фаолиятида ахборот алмашиш механизмининг самарали усулларини татбиқ этиш мавзуида ўтказилган давра суҳбатида шулар хусусида сўз юритилди. Парламент қуйи палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда депутатлар, олимлар, малакали мутахассислар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, экспертлар ва кенг жамоатчилик билан фаол ахборот алмашиш механизмининг ўрнатилиши парламент фаолиятининг самарадорлигини оширишда айни муддаодир. Бу, ўз навбатида, қабул қилинаётган қонунларнинг ҳар жиҳатдан мукаммал бўлишига, жойларда унинг ижроси изчил таъминланишига, энг муҳими, фуқароларнинг қонун лойиҳалари муҳокамаларида фаол иштирок этишларига зарур шароит яратади. Шу боис бугунги кунда мамлакат парламентида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг татбиқ этилаётир. Хусусан, фуқароларнинг Қонунчилик палатасининг расмий сайтидаги тегишли хизматдан фойдаланган ҳолда депутатларга мурожаат этишлари йўлга қўйилган. Шунингдек, расмий сайтда фойдаланувчилар учун қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш, таклиф ва тавсиялар билдириш ва унинг жамланмаси билан танишиш имконияти яратилган.

(Давоми 2-бетда).

*Тошкентда шу йил октябрь ойи охири ҳамда ноябрнинг бошида ўтказилиши мўлжалланаётган IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси олдидан мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари учун брифинг ташкил этилди.*

# Манфаатли келишувлар учун мустаҳкам пойдевор

Тадбирда юртимизда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини таркибий ўзгартириш, саноат корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга инновацион лойиҳаларни жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди. Республикамизда иқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлиги таъминланиб, халқимиз турмуши янада фаровонлашиб бораётгани қайд этилди. Бу жараёнда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ўзига хос ўрни бор, албатта. Негаки, мазкур тадбир саноатчиларнинг йирик анжумани сифатида рақобатбардош, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, ички тармоқ ва тармоқлараро алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ана шу йирик анжуман иқтисодиёт тармоқлари, айниқса, саноатни ривожлантиришда катта имкониятлар эшигини очиб бераётир. Яъни ярмарка сабаб саноат корхоналарига ўз маҳсулотларини кенгроқ намойиш қилиб, янги ҳамкорлар топиш, келгуси йил учун буюртмалар портфелини шакллантириш, қўшимча шартномалар имзолаш учун қулай шарт-шароитлар яратилаяпти. Шунинг учун унда қатнашувчилар сони йил сайин кўпаймоқда. Масалан, 2007 йилда уюштирилган тадбирда 224 та маҳаллий ва 50 та хорижий саноат корхонаси вакиллари иштирок этган бўлса, 2014 йилга келиб, уларнинг сони мос равишда 1700 ҳамда 1200 тадан ошиб кетди. Маҳсулот етказиб бериш бўйича тузилган шартномалар ҳажми 1 миллиард сўмдан 8,5 миллиард сўмга етказилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида экспорт бўйича имзоланган шартномалар миқдори эса 7,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

(Давоми 3-бетда).

# Тадбиркорлар ҳуқуқий ҳимоясининг такомиллашуви

### хусусий секторнинг жадал суръатда ривожланишини таъминлайди

*Мамлакатимизда хусусий мулк, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, бу йўлдаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш мақсадида узоқни кўзлаб олиб борилаётган сиёсат самарасида бугунги кунда мазкур соҳа миллий иқтисодиётимизнинг чинакам таянчига айланди.*

## ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Давлат органларининг хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини чеклашга доир изчил чоралар кўрилиб, иқтисодий ислоҳотларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш орқали ишбилармонлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли имтиёз ва преференциялар тизими яратилгани бу жараёнда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яқинда пойтахтимизда “2015 — 2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида” мавзуида бўлиб ўтган конференция-семинар иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари буни яна бир карра тасдиқлади.

Дарҳақиқат, тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш юзасидан комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мулкдорлар синфи салоҳиятининг юксалишини таъминламоқда. Айни пайтда ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиз ўрнига 56 фоизга етгани, ушбу секторда аҳолининг 77 фоиздан ортиғи меҳнат қилаётгани, шаҳар ва қишлоқларимизнинг ижтимоий инфратузилмаси тараққий этишида мулкдорлар салмоқли улуш қўшаётгани, мавжуд барча хўжалик субъектининг 90 фоиздан зиёдини кичик бизнес корхоналари ташкил этиши фикримиз далилидир. Жорий йилнинг биринчи ярмида 15,2 мингта янги кичик бизнес субъекти фаолияти йўлга қўйилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6,3 фоиз кўп демакдир. Эътиборлиси, мазкур субъектларда минглаб фуқароларнинг бандлиги таъминланиб, муносиб турмуш кечириши учун моддий имконият яратиб берилди.

Эътироф этиш жоизки, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, хусусий мулк ҳуқуқлари ҳимояси тобора такомиллашиб бормоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги (янги таҳрирда) ва бошқа ўн бешдан ортиқ қонунлар қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

# Соғлом авлодни тарбиялашнинг муҳим омили

*Пойтахтимизда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан баркамол авлодни тарбиялашда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамиятига бағишланган семинар ўтказилди.*

Сенаторлар, тегишли вазирлик ва идоралар, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, соҳага ихтисослаштирилган таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган тадбирда қайд этилганидек, мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ болалар спортини ривожлантириш ҳамда ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши, уч босқичли — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ҳамда Универсиада спорт ўйинларининг ўтказиб келинаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш учун тегишли қонунчилик базаси яратилиб, у замонавий талабларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириб борилмоқда. Бу борада қонунлар, Президентимиз Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Хусусан, яқинда янги таҳрирдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингани диққатга сазовордир.

Жисмоний соғлом ва маънавий етук авлодни тарбиялаш, ёшлар қалбида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини қарор топтириш мақсадида вазирликлар ва идоралар, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ўқув юртлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан болалар оммавий спортини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# Юксак эътиборнинг амалий ифодаси

*Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган, юксак тайёргарликка эга Қуролли Кучларимизни барпо этиш баробарида, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими ҳам йўлга қўйилди.*

## МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ!

Хусусан, ҳарбий шаҳарчалар қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш, бу объектларда бугунги кун талабларига ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит яратиш бўйича давлат дастурлари қабул қилингани бунинг яққол тасдиғидир. Ана шу ҳужжатларнинг изчил ижроси туфайли ҳозирги пайтгача кўплаб ҳарбий хизматчилар шинам уй-жойлар ва бошқа зарур инфратузилма объектлари билан таъминланди. Муҳими, ушбу йўналишдаги эзгу саъй-ҳаракатлар давом этаяпти.

Куни кеча Тошкент ҳарбий округининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларига кўп қаватли уй фойдаланиш учун топширилди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда ҳарбий округ масъул офицерлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Маросимда сўзга чиққанлар юртимиз мудофаа салоҳиятини ошириш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб, ушбу жараёнда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этишди.

(Давоми 2-бетда).

# Тадбиркорлар ҳуқуқий ҳимоясининг такомиллашуви

## хусусий секторнинг жадал суръатда ривожланишини таъминлайди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эса хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётимиздаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги тўсиқ ва чекловларга барҳам бериш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини янада ошириш учун қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва рағбатлар яратиш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Фармон ижроси доирасида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишга оид амалдаги маъмурий ва жиноий қонунчиликни янада либераллаштириш, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига ноқонуний аралашганлик учун жавобгарлигини ошириш каби долзарб чора-тадбирлар ўз ифодасини топган ушбу Қонунга биноан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг деярли барча жиҳатига дахл қиладиган 40 дан зиёд қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Мамлакатимиз Конституциясида хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида экани белгиланган. Мулкдор ўз мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади, истаганча тасарруф этади. Шу нуқтаи назардан, қабул қилинган мазкур Қонундаги ҳуқуқий меъёр ва қоидалар мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини равнақ топтириш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, рақобатбардош товарларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали экспорт имкониятларини кенгайтиришга мустаҳкам замин яратади.

Хусусан, Қонундаги янги меъёрларга асосан, агар шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасида белгиланган жиноятни (солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) илк маротаба содир этиб, жиноят аниқланган кундан 30 кун давомида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, пеня ҳамда бошқа молиявий жарима турларини тўлаган бўлса, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилмаслиги ва шахс жавобгарликдан озод этилишини кўзда тутувчи тартиб жорий қилинди.

Бундан ташқари, тадбиркорнинг моддий аҳволи ва солиққа оид ҳуқуқбузарлик қилиш шароитини инобатга олиб, суд молиявий санкцияни энг кам қисмидан ҳам камроқ, бироқ белгиланган энг кам миқдорнинг 25 фоизидан кам бўлмаган ҳолда қўллашга ҳақли эканлиги белгиланди. Маълумки, амалдаги Солиқ кодексининг 114-моддасига кўра, кирим қилинмаган товарларни сақлаш кирим қилинмаган товар қиймати миқдорида жарима солишга сабаб бўлар, шу билан бирга, кирим қилинмаган товарлар тўлиқ давлат даромадига ҳам ўтказилар эди.

Амалга киритилган янги Қонун нормаларига биноан, қўзғатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ёки жиноят иши доирасида кирим қилинмаган товарлар давлат даромадига ўтказилганда, Солиқ кодексида назарда тутилган юқоридаги молиявий санкциялар қўлланилмайди.

Яна бир муҳим жиҳати, Жиноят кодексининг 180 ва 181-моддаларида қайд этилган қилмишларни содир этган шахс етказилган моддий зарарни уч карра миқдорида қоплаган тақдирдагина, унга озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмас эди. Энди етказилган моддий зарар ўрни қопланишининг ўзи тадбиркорга озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслигини кафолатлайди. Бу каби янги жорий этилган ҳуқуқ нормалари мулкдорлар моддий аҳволининг барқарорлигини таъминлабгина қолмай, уларга катта маънавий куч ва фаолиятини янада ривожлантиришга далда беради.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига алоҳида "Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар" номли бобнинг киритилгани тадбиркорларнинг янада эркин фаолият юритишида таъсирчан омил бўлиши шубҳасиз. Зотан, унинг 8 та моддасида айнан хусусий мулк ҳуқуқини, тадбиркорлар фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш, лицензия ва рухсатномалар бериш тартибларини бузиш, уларнинг фаолиятини ёки банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини ноқонуний тўхтатиб қўйиш, ҳомийлик тадбирларига мажбурий жалб этиш, имтиёзларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш каби қилмишлар учун жиноий жавобгарлик чоралари белгиланди.

Сир эмас, ҳар қандай текшириш тадбиркорни асосий фаолиятидан четлаштириб, уни турли сарсонгарчилигу оворагарчиликларга рўбарў қилади. Текширишлар тартибини белгиловчи нормалар Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонуни ва яна ўнлаб қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Худди шунингдек, лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни бериш тартиблари Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонунлар ҳамда бир қанча қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Эндиликда Жиноят кодексига тадбиркорлар фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш тартибини бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи янги $192^2$-модда киритилгани, лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни беришнинг белгиланган тартиби ҳамда муддатларини бузиш учун ҳам жиноий жавобгарлик меъёрлари белгилангани тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Шу маънода, назорат қилувчи органларнинг текширишларни ўтказиш ваколатига эга бўлган барча ходимларига, тегишли идораларнинг лицензиялаш ва махсус рухсатномалар бериш билан шуғулланадиган мутахассисларига ушбу қонун ҳужжатлари моҳиятини чуқур тушунтириш, керак бўлса, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш зарур.

"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар тадбиркорлик субъектлари фаолиятини йўлга қўйишни соддалаштириш ва уларга қўшимча имкониятларни яратиши билан алоҳида аҳамият касб этади. Унга мувофиқ, тадбиркорлик субъектлари, айниқса, кичик бизнес вакиллари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва преференциялар, кафолатлар ҳамда ҳуқуқлар ваколатли органларга ҳамда ташкилотларга (давлат солиқ, божхона хизмати органлари, давлат статистика органлари, банклар ва бошқаларга) ёзма равишдаги мурожаатсиз бериладиди. Тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида кўзда тутилган имтиёзлар ва преференциялар рўйхати Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталидаги Тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзлар ва преференцияларнинг ягона реестрида эълон қилинади ҳамда доимий равишда янгилаб борилади. Бундай қулайлик тадбиркорларга соҳадаги барча янгилик ва ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор бўлиш, ортиқча бюрократик сансалорликларга дуч келмаслик, вақтини ҳамда ресурсларини тежаган ҳолда, бутун диққат-эътиборини ўз бизнесини ривожлантиришга сарфлаш имконини беради. Айнан бундай имтиёз ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ва қўллашга тўсқинлик қилганлик учун ҳам жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг "Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир", деган ҳикмати беқиёс аҳамиятга эга эканини "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳиятида ҳам яққол кўриш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, тадбиркорлик нафақат даромад манбаи, балки одамларнинг интеллектуал ижоди ва қобилиятини юзага чиқарадиган, миллий қадриятларимизни янада жонлантирадиган, инсонларнинг ҳаётга қизиқиши ва омилкорлигини оширадиган восита ҳамдир.

Маълумки, барқарор иқтисодий ўсиш ва мамлакатимизнинг келажак истиқболи, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати кўп жиҳатдан хусусий мулк ва тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган янги қонунчилик нормаларининг амалда сўзсиз қўлланилишини тақозо этади.

Шу нуқтаи назардан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тадбиркорлик субъектлари билан ишни самарали ташкил этишга доир аниқ механизмларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга эътибор қаратиб келмоқда. Ушбу мақсадда адлия ва прокуратура органлари томонидан жойларда тадбиркорлик фаолиятини текширишга оид ҳолатлар ўрганилмоқда. Хусусан, жорий йилда ўтказилган ўрганишларда назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлар фаолиятида 129 ҳолатда ноқонуний текширишлар ўтказгани, мингдан ортиқ ҳолатда текширишларни ўтказиш тартибини бузганлиги, 39 ҳолатда тадбиркорларнинг маблағлари ноқонуний жалб этилгани ва кўплаб ҳолатларда лицензия ва рухсатномалар бериш тартиб-таомилларига риоя этилмагани маълум бўлди.

Эндиги вазифа ҳар биримиздан, энг аввало, қонун ижодкорлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда назорат идораларидан аниқ ва мақсадли ишларни амалга оширишни талаб этади.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳам тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг бузилиши, ваколатлар доирасидан четга чиқиш, қонун ҳужжатлари нормалари ва қоидаларини нотўғри талқин қилиш ҳолатларини тизимлаштириш учун маълумотларнинг йиғма базасини шакллантириш мақсадида идоралараро комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди.

Унга кўра, тадбиркорлик субъектларидан келиб тушган мурожаатлар ҳамда бу борада аниқланган қонунбузилиш ҳолатларининг турлари, идоралар ва ҳудудлар кесимидаги маълумотлар йиғма базаси шакллантирилди. Ҳозирда аниқланган ноқонуний ҳолатлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берган шарт-шароитлар умумлаштирилиб, таҳлил қилинмоқда.

2013 — 2015 йилларга мўлжалланган "Тадбиркорликни ҳуқуқий таъминлаш ва ривожлантиришнинг самарадорлигини оширишга, тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар" ижроси бўйича жорий йилнинг биринчи ярмида вазирлик томонидан ўтказилган таҳлиллар натижасида, фаолият кўрсатмаётган ва зарар кўриб ишлаётган 27 мингга яқин тадбиркорлик субъекти аниқланиб, фаолиятини тиклаш мумкин бўлган 2 мингдан ортиқ тадбиркор билан бевосита учрашувлар ўтказилди. Натижада 1 минг 770 та бизнес субъектининг фаолияти қайта йўлга қўйилиб, минглаб янги иш ўринлари яратилди.

Соҳа фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш ва ривожлантиришнинг самарадорлигини ошириш, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг амалда тўғри татбиқ этилишини таъминлаш, кенг жамоатчиликка унинг мазмун ва моҳиятини етказиш мақсадида адлия органлари ходимлари шу давр мобайнида 2 минг 600 дан зиёд тарғибот тадбирларини амалга оширди. Ҳукумат қарори билан тизимда ташкил этилган махсус 1008 рақамли "Ишонч телефони" тадбиркорлик субъектларига ўзларининг бузилган ҳуқуқлари ҳақида зудлик билан тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имкониятларини кенгайтирди. Ушбу ҳаракатлар натижасида 2015 йилнинг биринчи олти ойида тадбиркорлик субъектларидан 400 га яқин мурожаатлар қабул қилиниб, улар тегишли тартибда кўриб чиқилди.

Хулоса ўрнида айтганда, дунёда "ўзбек модели" дея ҳайрат ва ҳавас билан эътироф этилаётган ривожланиш стратегиямизнинг реал натижаларида, барча соҳада қўлга киритаётган залворли ютуқларимиз моҳияти ва аҳамиятида "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало, инсон манфаати учун" тамойилининг устуворлигини кўрамиз. Ишбилармонлик салоҳиятини ривожлантириб, шу орқали жамият ва давлат равнақига ҳисса қўшаётган тадбиркорларимиз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясининг такомиллашуви замирида ҳам ана шу олижаноб мақсад мужассам. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, тадбиркорлар фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашув иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича давлат сиёсатига қарши қаратилган ҳаракат ҳисобланади ва бу борада мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиши лозим. Мана шу ҳақиқатни ҳар бир назорат органи ходимининг онгу шуурига чуқур сингдиришга қаратилган ишларимизни янада кучайтириш айни муддаодир.

**Музраф ИКРАМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси адлия вазири.**



# ЭНЕРГЕТИКА ВА ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ ҲАМДА МАҲСУЛОТЛАР

## пойтахтимизда иш бошлаган "UzEnergyExpo — 2015" ўнинчи ва "UzStroyExpo — 2015" бешинчи халқаро кўргазмаларида кенг намойиш этилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Эътиборлиси, намойиш этилаётган ускуна ва жиҳозларнинг аксарияти тежамкорлиги, муқобил манбалардан фойдаланишга мўлжаллангани билан ажралиб турибди.

— Биз муқобил манбалардан энергия ҳосил қилувчи қурилмаларни тақдим этаяпмиз, — дейди "Чағатай инвест" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Бобур Абдураҳмонов. — Корхонамиз бундан етти йил муқаддам ташкил этилган бўлиб, ўтган қисқа даврда бу ерда қуёш батареялари, шамол электр станциялари, кичик гидроэлектр станциялари, шунингдек, иссиқхона ва хонадонлар учун иситиш печлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Таъкидлаш керакки, юртимизда ноанъанавий энергия ресурслари, жумладан, қуёш энергиясидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада дастуриламал бўлмоқда. Чунки мазкур ҳужжатда тўпланган тажрибани ҳисобга олиб, қуёш ва биогаз энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги экспериментал ва амалий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш, бунда муқобил манбалардан энергия ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ўзимизда тегишли ускуналарни, бутловчи буюмлар ва материалларни тайёрлаш, уларга сервис хизмати кўрсатишни ташкил қилиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган. Ушбу йўналишда "Ўзбекэнерго" АЖ тизимида ҳам муайян ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, 2020 йилга қадар тежамкор буғ-газ қурилмалари ва қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича кўплаб лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилган.

Кўргазмага ташриф буюрганларга шу каби янгиликлар, соҳада қўлга киритилаётган ютуқлар билан яқиндан танишиш учун барча шарт-шароит муҳайё этилган.

"UzStroyExpo — 2015" бешинчи халқаро кўргазмаси эса, айтиш мумкинки, қурилиш материаллари саноати ютуқларининг чинакам намойишига айланган. Зеро, мамлакатимизда ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан бирга, қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришга устувор вазифа сифатида алоҳида аҳамият берилаяпти. Натижада жорий йилнинг биринчи ярмида қурилиш ишлари ҳажми 18 фоиз ошди.

Шу билан бирга, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ва мавжудларини модернизациялаш бўйича энг кўп лойиҳалар ҳам қурилиш материаллари саноати улушига тўғри келмоқда. Яъни олти ой давомида 666 та ана шундай лойиҳа рўёбга чиқарилди. Бундай янгиланишлар туфайли қурилиш ташкилотлари, аҳолининг бунёдкорлик материалларига бўлган эҳтиёжининг асосий қисми маҳаллий корхоналар томонидан таъминланаяпти.

Кўргазма залларини айланар экансиз, ҳар қадамда "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи туширилган маҳсулотларга кўзингиз тушади ва беихтиёр ич-ичингиздан севиниб кетасиз. Ахир илгари қурилиш материалларининг кўплаб турлари хориждан келтирилар эди-да. Эндиликда эса уларнинг импортига ҳожат қолмади, аксинча, экспорт қилинаётир. Бинобарин, шу йилнинг январь — июнь ойларида қурилиш материаллари саноати корхоналари томонидан 2,11 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 2014 йилнинг шу давридагига нисбатан 11,3 фоиз ўсишга эришилди. Тармоқнинг республика саноат ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги солиштирма улуши эса 5,2 фоизга етди.

Мухтасар айтганда, халқаро кўргазмалар энергетика ва қурилиш саноатининг барча йўналишини қамраб олган бўлиб, уларда маҳсулотлардан тортиб, махсус техникаларгача намойиш этилмоқда. Қолаверса, хорижий компанияларнинг қатнашаётгани юртимиз тадбиркорларига улар билан тенг манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш, ишлаб чиқаришга замонавий технологик ускуналарни жалб қилиш имконини бермоқда.

Халқаро кўргазмалар 18 сентябргача фаолият кўрсатади.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Самарали ахборот алмашиш механизми

## парламент фаолиятида катта аҳамиятга эга

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давра суҳбатида Жанубий Корея, АҚШ, Бельгия, Нидерландия, Австрия ва бошқа қатор мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаси ҳақида батафсил маълумот берилди. Депутатлар фикрича, жамоатчилик билан ахборот алмашишдаги замонавий усулларни жорий этиш, ушбу механизмни такомиллаштиришда қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш, қонун ҳужжатларининг амалда татбиқ этилиши ҳолатини баҳолаш, назорат-таҳлил фаолиятини амалга ошириш ҳаётий заруратдир.

— Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ахборот алмашиш механизмини жорий қилишнинг ишончли усулларидан саналади, — дейди парламент қуйи палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Расул Кушербаев. — Бугунги кунда мамлакатимиз парламенти фаолиятида жорий этилган хизматларни такомиллаштириш, электрон тарзда мурожаат қилиш, қонун лойиҳалари муҳокамасига кенг жамоатчиликни жалб қилиш муҳим бўлиб, бу борада қўмитамиз томонидан бир қатор ишлар олиб борилаётир. Ўтказилган тадбир ҳам ана шу мақсадга қаратилган бўлиб, билдирилган таклиф ва тавсиялар Қонунчилик палатаси сайтини янада такомиллаштириш, айниқса, сайловчиларнинг депутатлар ва парламентдаги сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари билан интерактив алоқалар ўрнатишнинг янги усулларини татбиқ этишга хизмат қилади.

— Ахборот алмашишнинг янги механизмларини жорий қилиш, келгусида миллий қонунчиликни такомиллаштиришда соҳа мутахассисларининг таклифлари, фикр-мулоҳазалари ҳам муҳим аҳамиятга эга, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳузуридаги Экспертлар кенгаши аъзоси Суҳроб Акобиров. — Қолаверса, ушбу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг алоҳида ўрни борлигини қайд этиш жоиз. Бугунги кунда ОАВ кўмагида парламент фаолияти жамоатчиликка кенг таништириб борилаяпти, мамлакатдаги муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар муҳокамасига бағишланган тадбирлар тезкорлик билан етказиб берилмоқда. Шунинг баробарида, уларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Давра суҳбати якунида ахборот алмашишнинг ташкилий механизмларини ишлаб чиқиш бўйича зарур тавсиялар берилди.

**Зиёда АШУРОВА.**



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

# Юксак эътиборнинг амалий ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Бизга уч хонали уй насиб қилди, — дейди сержант Муроджон Мироқилов. — Кўриб турганингиздек, ичи кенг ва шинам, барча шароит яратилган. Турмуш ўртоғим Комиланинг қувонганини айтмайсизми?! Икки ўғлимиз — Мирмуҳаммад ва Иброҳим шу файзли хонадонда ҳеч кимдан кам бўлмай камолга етишини ўйлаб, севинчини яширолмаяпти. Оилада шундай хурсандчилик, хотиржамлик бўлса, кўнглимиз тўлиб, ишимизда ҳам самара бўлади. Албатта, берилаётган бундай улкан имкониятларга жавобан юртимиз тинчлигини асраб-авайлаш йўлида бор куч ва салоҳиятимизни ишга соламиз.

Гулсанам Умарова — офицер Тўлқин Тешабоевнинг рафиқаси. Жавоҳир, Жавлонбек, Камронбек исмли уч азамат ўғлонни тарбиялаб, вояга етказишяпти. Дарвоқе, Гулсанамнинг ўзи ҳам етти йилдан буён Қуролли Кучлар тизимида фаолият олиб бораётган экан.

— Қаранг, янги хонадонимиз пойтахтнинг энг кўркам гўшаларидан бирида жойлашган, — дейди у. — Қолаверса, уйимизга яқин ҳудудда мактабгача таълим муассасаси, умумтаълим мактаби, спорт иншоотлари бор. Қисқаси, бу ерда бир оила эҳтиёжи учун зарур бўлган, бир оила бекаси орзу қиладиган ҳамма имконият мавжуд. Бугунги унутилмас кунда яна бир карра дилдан ният қилдик: юртимиз тинчлигига ҳеч қачон кўз тегмасин, байрамлар байрамларга улансин. Ҳар бир хонадонда тўю томоша, яхши кунлар кўп бўлсин...

Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари ижро этган куй-қўшиқлар тадбирга янада файз бағишлади.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Соғлом авлодни тарбиялашнинг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Аввало, қишлоқ жойларида болалар спорт мактабларининг моддий базасини мустаҳкамлаш, замонавий болалар спорт комплекслари ва майдончаларини барпо этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Маҳаллий корхоналар томонидан 115 турдан ортиқ спорт анжомлари ва асбоб-ускуналари ишлаб чиқарилмоқда.

Муҳокама чоғида таъкидланганидек, бугун спорт иншоотларида 2 миллиондан зиёд ўғил ва қизлар спортнинг 30 тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

Шунингдек, таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Қайд этиш лозимки, бугун миллионлаб ўсмир ва қизлар таълим олиш билан бир вақтда спорт, бадиий ҳаваскорлик ҳамда чет тилларини ўрганиш билан машғул. Натижада 2004 йил билан таққослаганда, 2014 йилда мактабга борадиган ёшдаги мутлақ соғлом болаларнинг улуши 12,3 фоиз ўсди ва бундай ёшдаги болаларнинг умумий сонига нисбатан 64,5 фоизни ташкил этди.

Шу билан бирга, сенаторлар баркамол авлодни тарбиялашда жисмоний тарбия ва спорт муҳим роль ўйнашига урғу бердилар. Шу муносабат билан тегишли вазирликлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда яқинда кучга кирган янги таҳрирдаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонуннинг қоидаларини рўёбга чиқариш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий ишларни амалга ошириши зарур. Бинобарин, Қонун нормаларига мувофиқ, мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда оммавий жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, болалар спортининг самарали инфратузилмасини, спорт захирасини тайёрлаш тизимини яратиш, спортнинг миллий турларини ҳамда халқ ўйинларини ривожлантириш, ўсиб келаётган авлодни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга оммавий тарзда жалб қилиш, жисмоний тарбия ҳамда спортни тарғиб қилишни ва оммалаштиришни давом эттириш талаб қилинади.

Семинарда жисмоний тарбия ҳамда спортни ривожлантириш, бу борада ота-оналар, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш органлари масъулиятини янада ошириш мақсадида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари ижро этилишини таъминлашга доир бир қатор тавсиялар берилди.

**Қобил ХИДИРОВ.**

# Манфаатли келишувлар учун мустаҳкам пойдевор

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кўриниб турибдики, халқаро саноат анжумани нафақат ҳудудий ва тармоқ ичида, балки тармоқлараро ва ташқи алоқаларни шакллантириш, ишлаб чиқаришга хориж инвестициясини жалб этиш, янги ҳамкорлар иштирокида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиб бермоқда. Бошқача айтганда, у ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасини ўтаяпти.

Жорий йилги тадбир эса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2015 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ташкил этилмоқда. Саноат ярмаркасининг тобора оммалашиб бораётганини қуйидаги омиллар ҳам яққол тасдиқлаб турибди. Шу йилнинг баҳор ва ёз ойларида ўтказилган 14 та ҳудудий ҳамда 6 та тармоқ саноат ярмаркаларида 4862 та ишлаб чиқариш субъекти томонидан 22 мингдан зиёд маҳсулотлар намойиш этилди. Уларга 89 мингдан зиёд, шу жумладан, 386 та хорижий компаниядан вакиллар ташриф буюрди. Энг муҳими, ҳудудий саноат ярмаркалари якунида 377,5 миллиард сўмлик ва 180,8 миллион АҚШ долларилик келишувларга эришилди. Тармоқ саноат ярмаркаларида эса тузилган шартномалар миқдори 617,9 миллиард сўмдан иборат бўлди.

Шундан келиб чиқиб, жорий йилнинг 26 октябрь — 2 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида бўлиб ўтадиган IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси, аниқроғи, металлургия, кимё ва нефть-кимё, қурилиш, озиқ-овқат, фармацевтика, автомобилсозлик, енгил саноат каби йўналишларни қамраб оладиган нуфузли тадбирга жиддий тайёргарлик кўрилмоқда. Шу мақсадда мажмуанинг тўртта павильони, иккита атриум ва конференция зали, учта очиқ майдони шай ҳолатга келтирилди. Иштирокчи корхоналар ва маҳсулотлар ҳақида маълумот берувчи махсус каталог чоп этилди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «ICTWEEK UZBEKISTAN — 2015»

*Аввал хабар қилганимиздек, "ICTWEEK Uzbekistan — 2015" ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиалида "ICTExpo — 2015" халқаро кўргазмаси қизғин давом этмоқда.*

# АКТ ва тараққиёт

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада мамлакатимизда мазкур соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумотлар берилиб, қатор истиқболли лойиҳалар тақдимотлари, танлов ва мусобақалар ўтказилаяпти.

Кўргазмада Самарқанд ва қўшни вилоятларда фаолият юритаётган компаниялар, идора ҳамда муассасаларнинг юқори технологияли маҳсулот ва хизматлари намойиш этилаётир. Жумладан, симли ва симсиз телекоммуникация технологиялари, компьютер техникаси, дастурий таъминот, ахборотни ҳимоя қилиш тизими каби қатор йўналишлар тадбирга ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Қайд этиш керакки, Самарқанд вилоятида "электрон ҳукумат", Ягона интерактив давлат хизматлари ва электрон ҳужжат айланиш тизимлари ҳам тез суръатларда ривожланмоқда. Масалан, вилоят ҳокимлиги томонидан Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 14 дан ортиқ хизматлар онлайн тарзда кўрсатиб келинаяпти. Солиқ ва статистик ҳисоботлар тўлиқ электрон шаклда топширилаётир.

Кеча мазкур ҳафталик доирасида Самарқанд шаҳрида "Ахборот-коммуникация технологиялари ва туризм" мавзуида конференция ҳам бўлиб ўтди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БИЛИМ ВА ТАЖРИБА УЙҒУНЛИГИ

## тиббиёт муассасалари ҳамшираларининг фаолият мезонидир

*Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида "Олий ҳамширалик иши мутахассислари, ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини узлуксиз ошириб бориш тизимини такомиллаштириш" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.*

АНЖУМАН

Унда Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари, Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази ходимлари, мамлакатимиз шифо масканларининг бош ҳамширалари, тиббиёт олий ўқув юртлари қошидаги олий ҳамширалик факультети профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари иштирок этди.

Илмий-амалий анжуманнинг очилишида таъкидланганидек, айни пайтда юртимиз тиббиёт муассасаларида 320 минг нафарга яқин ҳамшира фаолият юритмоқда. Улар соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини, шунингдек, шошилинч тиббий ёрдам ва бошқа ихтисослаштирилган муассасаларда меҳнат қилаяпти.

Жаҳон тиббиётининг илғор тажрибаларидан келиб чиқиб, республикамизда олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш йўналиши жорий этилди. Бу эса соғлиқни сақлаш тизимини малакали мутахассислар билан таъминлаш ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Ҳозирги кунгача Тошкент тиббиёт академияси ва бошқа тиббиёт институтларининг "Олий ҳамширалик иши" бўлимларида анестезиология ва реанимация, хирургия, акушерлик ҳамда менежмент йўналишлари бўйича уч минг нафардан зиёд олий маълумотли бакалавр-ҳамширалар тайёрланди, 80 нафарга яқин талаба эса магистрлик даражасига эришди. Улар даволаш-профилактика муассасаларида бош, катта ва етакчи ҳамширалик, тиббий таълим муассасаларида ўқитувчилик қилишмоқда.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги "Қишлоқ врачлик пунктларини янада мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, қишлоқ врачлик пунктларида патронаж ҳамшираларнинг ишини рейтинг асосида баҳолаш тизими жорий этилди, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош мутахассиси Рихси Солихўжаева. — Бу ҳамширалик ишини янада ривожлантириш, тиббий хизматни такомиллаштиришга туртки бермоқда. Масалан, ўтган йили турли ҳудудлардаги бешта туманнинг 96 та қишлоқ врачлик пунктида ҳамширалар ишини рейтинг баҳолаш тизими синовдан ўтказилиб, кўпгина ижобий хулосалар олинди. Мазкур жараён айни дамда яна 18 та туманда давом эттирилаяпти.

Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази, шунингдек, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ташкил қилинган махсус курслар, ўқув-семинарлар орқали ўрта тиббиёт ходимлари, олий маълумотли ҳамширалар билим ҳамда тажрибаси юксалтирилаяпти.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Саломатлик-3" лойиҳаси бюроси ва Ҳамширалар ассоциацияси ҳамкорлигида мамлакатимиз бўйлаб ташкил қилинган 1,5 мингдан ортиқ ўқув-семинарларда 500 дан зиёд тренер тайёрланди. Улар жойлардаги ўрта бўғин тиббиёт мутахассислари ўртасида репродуктив саломатлик ва бехатар оналик, болани кўкрак сути билан озиқлантиришнинг аҳамияти, шахслараро мулоқот, оналик ва болаликни асраш, юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича энг замонавий тамойилларни амалиётга татбиқ этиш борасида иш олиб бормоқда.

Анжуманда шулар хусусида сўз борар экан, тиббиёт ходимларини ўқитишда модуль тизимининг аҳамияти, мутахассислар малакасини ошириш ва ихтисослаштиришда янгича технологиялардан фойдаланиш, тиббиёт муассасалари қошида маҳорат дарсларини ташкил қилиш, ўқув жараёнида ҳамширалик иши протоколларини қўллаш сингари долзарб мавзуларда илмий маърузалар тингланди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҒАМХЎРЛИК

*Жорий йилнинг 15 сентябридан эътиборан республикамиздаги мавжуд икки юздан ортиқ "Баркамол авлод" болалар марказларида янги ўқув йили машғулотлари бошланди.*

# Бўш вақт мароқли ўтади



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Шу муносабат билан ушбу масканларда ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари, таълим муассасалари ходимлари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида "Очиқ эшиклар куни" тадбирлари ўтказилмоқда. Уларда марказ фаолияти ҳақида батафсил маълумотлар берилаяпти.

Хусусан, Республика "Баркамол авлод" болалар бадиий ижодиёт марказида бўлиб ўтган ана шундай тадбирда ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни касб-ҳунарга йўналтириш борасида муассасада яратилган имкониятлар ҳақида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, ҳозирги кунда "Баркамол авлод" болалар марказларида бадиий ва техник ижодиёт, ўлкашунослик экологияси йўналишларида 4461 тўгарак фаолият кўрсатмоқда. Уларга қарийб 110 мингдан ортиқ ўқувчи қамраб олинган. Ёшларда, айниқса, тикиш-бичиш, тўқиш, мусаввирлик, техник моделлаштириш, "Компьютер дизайни ва графикаси", "Оила ва саломатлик", "Ёш табиатшунос" каби тўгаракларга қизиқиш юқори.

— Бир йилдан буён карвинг санъатини ўрганаяпман, — дейди пойтахтимиздаги 249-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Дурдона Абдуқаҳҳорова. — Полиз маҳсулотларидан тайёрланган ижодий ишларим "Очиқ эшиклар куни" қатнашчиларида катта таассурот қолдираяпти. Бундан жуда хурсандман.

**Дилмурод СОДИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР


## ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

**эгалланган лавозимларга қуйидаги кафедралар бўйича танлов эълон қилади:**

1. Клиник фармакология кафедраси — мудир.
2. Соғлиқни сақлашни ташкил қилиш, бошқариш ва молиялаштириш кафедраси — доцент, ассистент.
3. Валеология кафедраси — ассистент.
4. Нейрореабилитация ва Шарқ тиббиёти кафедраси — доцент.
5. Акушерлик ва гинекология ва перинатал медицина кафедраси — доцент, ассистент.
6. Дерматовенерология ва косметология кафедраси — ассистент.
7. Эпидемиология кафедраси — доцент.
8. Юқумли касалликлар кафедраси — доцент.
9. Кардиология ва геронтология кафедраси — доцент.
10. Неврология кафедраси — доцент.
11. Педиатрияда анестезиология ва интенсив терапия кафедраси — ассистент.
12. Оториноларингология кафедраси — доцент, ассистент.
13. Патологик анатомия ва суд тиббий экспертизаси кафедраси — доцент.
14. 1-стоматология кафедраси — профессор.
15. Хирургия ва болалар хирургияси кафедраси — доцент.
16. Болалик даври юқумли ва паразитар касалликлари кафедраси — мудир.
17. Дерматовенерология ва косметология кафедраси — доцент
18. 2-акушерлик ва гинекология кафедраси — профессор.
19. Болалик даври асаб касалликлари кафедраси — доцент.
20. Пульмонология ва клиник аллергология кафедраси — доцент.
21. Врачлик меҳнат экспертизаси кафедраси — ассистент.
22. Ўсмирлар, чақирув ёшдагилар касалликлари тиббий экспертизаси курси — ассистент.
23. Онкология ва ультратовуш диагностикаси курси билан кафедраси — ассистент.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Телефон: (0-371) 268-29-10.

1328А/643



**Фармацевтик фаолият билан шуғулланувчи, ишлаб чиқарувчи корхоналар, фирма ва компаниялар диққатига!**

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ

**қишлоқ врачлик пунктлари учун зарур дори-дармонлар, индикатор ва реактивларни марказлашган асосда сотиб олишга ретендер савдоларини эълон қилади.**

Тендерда қўйиладиган шартларни бажарган, танлов асосида харид қилинадиган маҳсулотнинг тегишли ҳажмини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва улгуржи ташкилотлар қатнашиши мумкин.

Мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан нарх-наво преференциялари берилади. Ретендер ҳужжатлари 2015 йил 17 октябрь куни соат 18.00 гача қабул қилинади.

**Тендер комиссияси ишчи органининг номи ва манзили:** Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, 132006, Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 15-уй.

**Телефон:** (0-376) 223-22-99. Факс: (0-376) 223-17-53.

**E-mail:** surxvssb@uznet.net

**Банк реквизитлари:**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ҳ/р: 23402000300100001010, МФО: 00014, СТИР: 201122919, МБ ББ ҲККМ Тошкент шаҳри, Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, ш/ҳ/р: 400121860224017950100054064, СТИР: 200477643, ОКОНХ: 97600.

1327А/645



## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 15 июндаги 10-1520/7638-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Оникс» АЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 51-уйда жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Умумий майдони 7327 кв.м. бўлган 2 қаватли ва ертўладан иборат цех биноси, 28-блок.

***Бошланғич баҳоси — 625 000 000 сўм.***

**2.** Умумий майдони 3458 кв.м. бўлган, 1 ва 2 қаватдан иборат цех биноси, 59-блок.

***Бошланғич баҳоси — 625 000 000 сўм.***

**3.** Умумий майдони 10251 кв.м. бўлган, 3 қаватли цех биноси, 41-блок.

***Бошланғич баҳоси — 625 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 20 октябрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 16 октябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел./факс: (0-371) 228-80-23. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1376R/02



## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

### Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар СИБ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ЖИБ Нукус шаҳар судининг 2013 йил 9 ноябрдаги 1-417-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Нукус шаҳри, О. Сулайманов кўчаси, рақамсиз уйда жойлашган, 1-қавати дўкон, 2-қавати тураржой бўлган 2 қаватли қурилиши тугалланмаган бино такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 589 807 288 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани СИБ томонидан ЖИБ Кегейли тумани судининг 2013 йил 4 декабрдаги 2-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Кегейли тумани, «Қизил уй» ОФЙда жойлашган, умумий майдони 5,2 гектар бўлган 2 қаватли колбаса ишлаб чиқариш цехи биноси ва жизоҳлар мулкий мажмуа сифатида такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 744 242 720 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 6 октябрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 2 октябрь куни соат 18.00. Мазкур бино 2015 йил 6 октябрь куни сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдоси 2015 йил 21 октябрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 19 октябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиалининг АТ «Турон» банки Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават. Телефон: (0-361) 222-84-44. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1373R/02



## ХАЛҚАРО САНОАТ ҲАФТАЛИГИ




2015 йил 20-22 октябрь Тошкент, «Ўзэкспомарказ»

ITE

ITE Uzbekistan
Тел.: (+99871) 113-01-80.
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz,
Web: www.ite-uzbekistan.uz

Guvohnoma № 3583

1377R/25



## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

### Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани СИБ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг 2015 йил 23 июндаги 23-1502/5654-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Хўжайли тумани, Нажмиддин Кубро кўчаси, «Жаҳонгир» АЖ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 0,7 гектар, фойдаланиш майдони 1131,8 кв.м. бўлган 23 хонали тузни қайта ишлаш цехи биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 622 125 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 21 октябрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 19 октябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиалининг АТ «Турон» банки Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават. Телефон: (0-361) 222-84-44. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1375R/02

*Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати ортиб, ҳудудларнинг саноат салоҳияти юксалиб бормоқда. Хусусан, Сурхондарё вилоятида кўплаб замонавий корхоналар, йирик ишлаб чиқариш субъектлари, бири-биридан кўркам ижтимоий соҳа объектлари барпо этилаяпти. Натижада шаҳару қишлоқларнинг қиёфаси ўзгариб, аҳоли турмуш шароити кундан-кун яхшиланмоқда. Ички бозор эса маҳаллий маҳсулот ва хизматлар билан тўлдирилаётир. Бу каби эзгу ишлар рўёбида "Асака" акциядорлик тижорат банкининг Сурхондарё вилояти филиали ҳам фаол иштирок этаяпти.*

*Мазкур молия муассасаси жамоаси хизмат турларини кенгайтиришга интилмоқда. Шу боис аҳолининг ушбу банкка бўлган ишончи ошаяпти. Буни жисмоний ва юридик шахслардан жалб этилган маблағлар кўпаяётгани ҳамда улар иқтисодиётнинг реал секторига самарали равишда йўналтирилаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.*

*Гап шундаки, 2015 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, банк филиалининг кредит қўйилмалари ҳажми 83,0 млрд. сўмдан ортди. Унинг асосий қисми узоқ муддатли бўлиб, иқтисодиётнинг барча тармоғи, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун ажратилди. Шу йилнинг ўтган 8 ойи давомида эса кичик бизнес корхоналарига жами 38,6 млрд. сўмлик кредитлар берилди.*

*Тадбиркор аёллар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини бизнесга кенгроқ жалб қилиш масаласи ҳам банк жамоасининг устувор вазифаларидан саналади. Ишбилармон хотин-қизларнинг бизнес-режаларини ҳаётга татбиқ этиш учун 6,7 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар тақдим қилингани бунинг яққол тасдиғидир. Бу олис ҳудудларда импорт ўрнини босувчи саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва сервис хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш имконини берди, албатта.*

*Умуман олганда, "Асака" банкининг Сурхондарё вилояти филиали ўзининг тезкор ва сифатли хизматлари билан тадбиркорларнинг энг яқин ҳамда ишончли ҳамкорига айланган. Айрим мижозларнинг қуйидаги дил сўзлари ана шундан далолатдир.*

# БАНК САРМОЯЛАРИ

## кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилаяпти

**Баҳриддин ҚОБИЛОВ, "Гулнор текстиль Янгиариқ" хусусий корхонаси раҳбари:**

— Банклар иқтисодиётнинг қон томирига қиёсланиши бежиз эмас. Чунки уларнинг молиявий ёрдами барча соҳа ривожида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу маънода, банкларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани биз, ишбилармонлар учун айни муддао бўлмоқда. Бу борада "Асака" банкининг фаолияти алоҳида эътирофга лойиқ. Мисол учун, бизнинг тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамиз ташкил этилишида ушбу молия муассасасининг кўмаги беқиёс.

Фаолиятимизни кенгайтириш, замонавий ускуналар харид қилиш мақсадида кредит сўраб яқинда яна мазкур банкнинг Сурхондарё вилояти филиалига мурожаат этдик. Банк ходимлари ҳужжатларимизни қисқа муддатда кўриб чиқиб, кредит ажратиш бўйича қарор қабул қилди. Шунинг ҳисобидан хорижнинг энг замонавий ускуналарини келтириб ўрнатдик. Натижада 12 та қўшимча иш ўрни яратилиб, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқараяпмиз.

**Шодмон ШОЙМУРОДОВ, "Барлс" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари кўлами кенгайиб бораётгани, ўз навбатида, қурилиш материалларига бўлган талабни ҳам оширмоқда. Шунинг учун қурилишда муҳим бўлган ашё — темир-бетон буюмлари ишлаб чиқаришга аҳд қилдик. Бу борада молиявий ёрдам сўраб "Асака" банкининг Сурхондарё вилояти филиалига мурожаат этиб адашмабмиз. Филиал мутахассислари имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит беришдан ташқари, ўз маслаҳатларини ҳам аяшмади. Пировардида юқори сифатли темир-бетон материаллари ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик.

Банк томонидан кўрсатилаётган тезкор ва сифатли хизмат биз, тадбиркорларнинг ишимизга ривож бағишлаяпти. Шундай экан, ҳамкорлигимизни бундан кейин ҳам изчил давом эттираверамиз.

**Шерали АЛИМОВ, "Чорбоғ қурилиш инвест" хусусий корхонаси раҳбари:**

— Республикамизда тадбиркорлик ҳаракати ривожи учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Бундан оқилона фойдаланаётганлар ишни муваффақиятли юритган ҳолда, иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаяпти. Биз ҳам шу ниятда корхонамиз фаолиятини кенгайтириш бўйича бизнес-режа тузиб, уни молиялаштириш учун "Асака" банки филиалига тақдим этгандик. Мутахассислар томонидан бизнес-режамиз "Истиқболли" деб топилиб, қисқа муддатда кредит ажратиб берилди. Бунинг эвазига полипропилен маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Яна бир муҳим жиҳати, тўртта қўшимча иш ўрни очилиб, уларга ёшларни жалб қилдик.



Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати юқори эмасми, чет элники билан бемалол рақобатлаша олади. Шунинг учун ҳам буюртмачилар сафи кенгайиб бораяпти. Бундай ютуққа эришишимизда яқиндан ёрдам берган "Асака" банки жамоасидан миннатдормиз.

**Сурайё ЯКУБОВА, "Термиз фаровон файз" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Тадбиркорликка ёшлигимдан қизиқардим. Аммо бизнес фаолиятининг асоси сармоя эканлигини коллежда таълим олаётган пайтимда англаб етдим. Ўқиш охирлаб қолганида биз, ёшларни "Асака" банки ходимлари йўқлаб келиб, имтиёзли банк кредитини таклиф этишгани орзуларим рўёбига кенг йўл очиб берди.

Термиз саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежини тамомлаганимдан сўнг банк кредити эвазига чорвачиликни йўлга қўйдим. Айни пайтда кичик жамоамиз фидокорона меҳнат қилиб, юртдошларимизга арзон нархларда гўшт ва сут етказиб бераяпти.

Келгусида режаларим кўп. Шулардан бири — сутни қайта ишлашни йўлга қўйиш. Ушбу мақсадда бизнес-режа тузиб, уни амалиётга татбиқ этиш ҳаракатини бошлаб юбордик. Албатта, бу борада яна "Асака" банкининг ёрдамига суянамиз.

Мамлакатимиз аҳолиси дастурхонини сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш йўлида олиб борилаётган улкан ишларда ўзимизнинг камтарона меҳнатимиз билан иштирок этаётганимиздан мамнунмиз.

Кўриниб турибдики, "Асака" банки ўзининг замонавий хизматлари билан чекка ҳудудларга саноатни олиб кириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш, янги мулкдорлар синфини шакллантириш, энг асосийси, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Банк жамоаси келгусида ҳам кўп йиллик фаолияти мобайнида тўпланган бой тажрибасига таянган ҳолда, бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириб, молиявий хизматлар бозоридаги мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилаверади.

**Банк материаллари асосида С. ИБОДУЛЛАЕВ тайёрлади.**

*Хизматлар лицензияланган.*

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Маданият хабарлари



# Жанубий Корея кутубхоначилиги билан танишув

*Яқинда мамлакатимиз кутубхоначилик соҳаси мутахассислари Сеулда бўлдилар. Мазкур сафар Кёнхи университетининг Марказий кутубхонаси томонидан ташкил этилди.*

Маълумки, 2014 йили Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Кёнхи университетининг Марказий кутубхонаси ўртасида Ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум имзоланган эди. Ушбу ҳужжат доирасида мамлакатимиздан икки маротаба ана шундай сафар уюштирилди.

Сеулда ўзбек кутубхоначилари Корея Республикасида ҳужжатларни сақлаш ва электрон кутубхоначилик тизимининг ўзига хос жиҳатлари билан яқиндан танишдилар. Хусусан, Корея Миллий кутубхонасида замонавий технологиялардан фойдаланишдаги ўзига хосликлар юртдошларимизнинг эътиборига ҳавола қилинди.

Кёнхи университетининг Марказий кутубхонасида эса Ўзбекистон вакиллари учун тақдимот маросими ташкил этилди. Тадбир чоғида мазкур кутубхона тарихи ва унинг бугунги фаолияти, зиё масканида китобхонлар учун тайёрланган шароитлар ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга доир маълумотлар мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди.

Сафар якунлари бўйича ўзаро академик ресурсларни алмашиш юзасидан келишувга эришилди. Унга кўра, Кёнхи университети Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини корейс тилидаги материаллар билан таъминлайди. Бундан ташқари, томонлар Жанубий кореялик кутубхоначиларнинг Тошкентга сафарини ташкил этишга ҳам келишиб олди.

**«Жаҳон» АА.**
Сеул

# Қўғирчоқлар намойиши

*Пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида Япония қўғирчоқлари кўргазмаси очилди.*

Ўзбекистон Бадиий академияси қошидаги Халқаро маданият карвонсаройи ва Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда дипломатик корпус вакиллари, санъатшунослар қатнашди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари кўплаб соҳалар қатори маданият ва санъат йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораяпти. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Кўргазма 70 та экспонатни ўз ичига олади. Улар орқали япон халқи замонавий қўғирчоқларининг ўзига хос жиҳатлари билан танишиш мумкин.

Кўргазма шу йилнинг 3 октябригача давом этади.

**Кумушбиби ЭРМАМАТОВА.**

# Компьютер орқали тарихга саёҳат

*Бухоро давлат бадиий-меъморчилик музей-қўриқхонасида нумизматикага оид янги кўргазма очилди.*

Қадимий Арк қалъаси ҳудудидаги таъмирдан чиқарилган меҳмонхонада ташкил қилинган бу экспозициядан эрамиздан аввалги III-II асрлардан то XX асргача бўлган даврда зарб этилган тангалар коллекцияси ўрин олган. Кўргазмага салкам 500 дона нодир экспонат қўйилган. Юртдошларимиз ҳамда чет эллик сайёҳлар бу ерда, шунингдек, компьютерга киритилган махсус дастур ёрдамида музейга тааллуқли уч мингдан ортиқ тарихий ва илмий аҳамиятга молик ашёларнинг электрон тасвирини кўриш, тангаларни зарб қилиш усуллари ва жараёни билан ҳам танишиш имконига эга бўлмоқдалар.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# «Атлас байрами»

## миллий матолар жилоси билан иштирокчиларни мафтун этди

*Марғилонда "Атлас байрами" миллий матолар фестивали бўлиб ўтди. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ва "Ҳунарманд" уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда барча вилоятдан келган ҳунармандлар ўз маҳсулотларини намойиш қилди.*

**ФЕСТИВАЛЬ**

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш ва тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони асосида соҳа вакилларининг эмин-эркин фаолият юритиши учун кенг имкониятлар, кўплаб имтиёзлар яратиб берилган.

"Атлас байрами" миллий матолар фестивалининг Марғилон шаҳрида ўтказилгани бежиз эмас. Негаки, ушбу шаҳар ўзининг машҳур ҳунармандлари, дўппидўз, бўз, атласу адрас тўқувчилари билан ном қозонган. Бу ерда миллий матоларни қайта тиклаш ва уларнинг турларини кўпайтириш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Фестиваль давомида иштирокчилар марғилонликлар тажрибаси билан яқиндан танишиш, ўзаро фикр-мулоҳаза алмашиш имконига эга бўлдилар. Шунингдек, ҳар бир ҳудуднинг миллий матоларни тўқиш усуллари, жойларда ташкил этилган "Устоз — шогирд" анъаналари билан ўртоқлашдилар.

— Мамлакатимизда уста-ҳунармандларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар миллий анъаналар бардавомлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, оилалар моддий фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаяпти, — дейди Республика "Ҳунарманд" уюшмаси раиси М. Қурбонов. — Қувонарлиси, ёшларимизда ҳунар ўрганишга бўлган иштиёқ ортмоқда. Ушбу фестиваль бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фестиваль доирасида юртимиздаги ҳунармандлар ўртасида энг яхши экологик тоза маҳсулот ва анъанавийликни сақлаган маҳсулотларни аниқловчи кўрик-танлов, кўргазма-савдо, миллий матолардан яратилган либослар намойиши ўтказилди. "Миллий матоларни сақлаш ва ривожлантиришнинг муҳим масалалари" мавзуидаги илмий анжуманда эса тадбир қатнашчилари миллий ҳунармандчилигимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритдилар.

Тадбир сўнгида фольклор жамоалари, таниқли санъаткорлар ижросида концерт намойиш этилди.



Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

**Дилфуза ҚАРШИБОЕВА.**

РЕКЛАМА







Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 75 391 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5